

**“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕР ЭГАЛИКЛАРИ ВА  
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ**  
**мавзусидаги қўргазмали маъруза таълим технологияси модели**

| <b>Вақт 2 соат</b>   | <b>Талабалар сони 25 (70)</b>  |
|--|--|
| <b>Ўқув машгулоти шакли</b>  | <b>қўргазмали маъруза</b>  |
| <b>Маъруза режаси</b>  | 1.Фермер хўжаликларида хўжаликлараро ер тузишнинг хусусиятлари   |
| <b>Ўқув машгулот мақсади</b>   | <b>“Фермер хўжаликларида хўжаликлараро ер тузишнинг хусусиятлари” тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш</b>       |
| <b>Педагогик вазиятлар</b><br>1. Фермер хўжаликларида хўжаликлараро ер тузишнинг хусусиятларини тушунтириш | <b>Ўқув фаолияти натижалари</b><br>1.Фермер хўжаликларида хўжаликлараро ер тузишнинг хусусиятларини тушунтириб бериш |
| <b>Таълим усуллари</b>   | маъруза, ақлий ҳужум, мунозара   |
| <b>Таълимни шакллантириши шакли</b>  | Оммавий, жамоавий  |
| <b>Таълим воситалари</b>   | маъруза матни, компьютер (проектор) слайдлар   |
| <b>Таълим бериш шароити</b>  | Техник воситалар билан жиҳозланган хона  |
| <b>Мониторинг ва баҳолаши</b>  | Оғзаки сўров: тезкор сўров   |

“Ер тузишни лойихалаш” фанидан **ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЕР ЭГАЛИКЛАРИ ВА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ** мавзусидаги күргазмали маъруза технологик харитаси

| Иш босқичлари  | Фаолият мазмуни  |  |
|--|--|--|
|  | Таълим берувчи   | Таълим олувчилар   |
| <b>1 босқич<br/>Ўқув машғулотига<br/>кириш 20 дақиқа</b> | <b>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни,<br/>фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот<br/>күргазмали маъруза шаклида олиб борилиши маълум<br/>қилинади. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни,<br/>мустакил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.<br/>Ақлий хужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум<br/>бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (1 илова)</b> | <b>Тинглайдилар ва ёзиб<br/>оладилар</b>   |
| <b>2 босқич<br/>Асосий қисм<br/>50 дақиқа</b>            | <b>2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш<br/>этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Жалб<br/>қилувчи саволлар берилади.<br/><br/>2.2. Мавзу режаларига хulosалар қилинади. Керакли<br/>маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади.<br/><br/>2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (3 илова)</b>   | <b>Тинглайдилар,<br/>дафтарга ёзиб<br/>оладилар, саволлар<br/>берадилар<br/><br/>Асосий тушунчаларни<br/>муҳокама қиласилар<br/><br/>Талабалар жавоб<br/>берадилар</b> |
| <b>3 босқич<br/>Якуний босқич<br/>10 дақиқа</b>          | <b>3.1. Мавзу бўйича умумий хulosса қиласи. Мавзунинг<br/>касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар<br/>эътиборини қаратади.<br/><br/>3.2. Мустакил иш учун топшириқ берилади.</b>  | <b>Тинглайдилар<br/><br/>Топшириқни ёзиб<br/>оладилар</b>  |

**МАВЗУ: “ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЕР  
ЭГАЛИКЛАРИ ВА ЕРДАН  
ФОЙДАЛАНИШЛАРИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ ”**

**Режа**

**1. Фермер хўжаликларида хўжаликларо  
ер тузишнинг хусусиятлари**

1.Ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни қандай ташкил этилади?

2.Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг нечта таркибий қисми бор?

3. Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг 1-таркибий қисмини тушунтиринг.

4.Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг 2-таркибий қисмини тушунтиринг.

5.Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг 3-таркибий қисмини тушунтиринг.

6.Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг 4-таркибий қисмини тушунтиринг.

7.Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг 5-таркибий қисмини тушунтиринг.

8.Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг 6-таркибий қисмини тушунтиринг.


*Фермер хўжалиги ўзига узок муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шугулланувчи, фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, ҳукуқий шахс ҳукуқларига эга, мустақил хўжалик юритувчи субъектdir.*

Фермер хўжаликларини ташкил этишда лойиҳалаш объектлари қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудида ёки қайта тақсимланадиган ер фонди ҳисобига ташкил этиладиган якка фермер хўжалиги, улар гуруҳлари бўлиши мумкин.

# Фермер хўжалиги ердан фойдаланишини ташкил этиш лойиҳаси қишлоқ хўжалиги корхонаси ер эгалигини ташкил этиш лойиҳасидагидек элементларни ўз ичига олади



## Ер тузиш ишларининг босқичлари қуидагилардан иборат бўлади:



*Тайёргарлик ишлари.* Тайёргарлик ишларининг тартиби ва таркиби қуйидаги:

1. Лойиҳалаш объектлари бўйича йиғилади:

план-харита материаллари; ер кадастри, ерларни баҳолаш, ер турлари майдонларини ҳисоблаш материаллари; тупроқ, геоботаника, агрономия ва бошқа изланишлар материаллари; ер тузиш, қишлоқларни режалаш, қишлоқ аҳоли яшаш жойлари чегараларини белгилаш ва бошқа чизмалар ва лойиҳалар; охирги 3-5 йилдаги экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлиги тўғрисидаги маълумотлар; ноқишлоқ хўжалик объектларини жойлаштириш бўйича лойиҳавий ишлар; маҳсус қўриқланадиган ҳудудлар, сув муҳофаза минтақалари ва улар чегараларининг жойлашиши тўғрисида ахборотлар; тақсимланмаган ер фондининг, шу жумладан, фермер хўжаликларини жойлаштириш учун мўлжалланган, мавжудлиги тўғрисида материаллар.

2. Фермер хўжаликларини жойлаштириш мўлжалланаётган ҳудудда куйидагилар ўрганилади: мавжуд бинолар, омборхона, устахона, гараж, дала шийпони, ёрдамчи бинолар жойлашиши, аҳволи ва фойдаланиш имконияти аниқланади; фермер хўжаликларини жойлаштириш учун мўлжалланган ерларнинг жойлашган ўрни аниқланади, мавжуд фермер хўжаликлари чегараларига аниқлик киритилади; эрозияга учраган ерлар, уларнинг манбааси, эрозияга қарши иншоотлар ва ўрмон дарахтлари мавжудлиги аниқланади; мавжуд ирригация-мелиорация иншоотлари, йўл тармоғи, сув таъминоти, уларнинг аҳволи, таъмирлаш ва янги қурилиш зарурати ўрганилади; ерларнинг экологик аҳволи аниқланади; фермер хўжаликларининг энг мақсадга мувофик ихтисосликлари минтақаларини аниқлаш; зарурат туғилганда фермер хўжаликлари қўрғонларини жойлаштириш учун майдончалар танланади.

3. План материалига барча ўзгаришлар туширилади, ерлар экспликациясига аниқлик киритилади.

4. Ер тузиш бўйича тавсиялар ва истаклар аниқланади.

5. Ерларнинг мавжуд ҳолатига мос тарзда тузатилган план (1:10000 масштабда) ва унинг нусхаси тайёрланади.

6. Ер участкаси беришни сўраб ариза берган фуқаролар бирлашма вакиллари билан фермер хўжалиги жойлашадиган ўрни, майдони, таркиби, ихтисослиги, фермер хўжаликлари бирлашмаларини, инфратизим объектларини яратиш, кичик корхоналарни ташкил этиш тўғрисидаги истакларини аниқлаш учун сухбат ўтказилади;

7. Фермер хўжаликлари ердан фойдаланишларини жойлаштиришнинг дастлабки чизмаси ишланади. Унда тавсиялар график тарзда расмийлаштирилади.

8. Фермер унга нима зарурлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши, лойиҳачи эса бунинг учун қандай шароит яратиш кераклигини билиши керак. Бунинг учун тайёргарлик ишлари даврида мазкур минтақада белгиланган ихтисосликка эга фермер хўжалигининг намунавий моделини тайёрлаш керак. Агар намунавий моделлар бўлмаса, улар лойиҳалаш бошланишигача ишланиши керак.

Фермер хўжаликларининг қуидаги минимал ўлчамлари «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги қонуннинг 5-моддасида белгилаб қўйилган: 2009 йилдаги ўзгартиришлар бўйича чорвачилик маҳсулоти етиширишга ихтисослашган фермер хўжалиги камидаги 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Бунда фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва моли ҳисобига Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камидаги 0,3 га, Қорақолпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги суғориладиган ерларда камидаги 0,45 га, суғорилмайдиган (палмикор) ерларда эса, камидаги 2 га ташкил этади;

дехқончилик маҳсулоти етиширишга ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камидаги 30 га, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етишириш учун камидаги 5 га ташкил этади.

### 3- илова

1. Фермер хўжалиги нима?
2. Фермер хўжаликлариға ерлар қандай муддатга берилади?
3. Фермер хўжаликлариға ерлар қандай хукуқ билан берилади?
4. Фермер хўжалиги ердан фойдаланишини ташкил этиш лойиҳаси қандай элементларни ўз ичига олади?
5. Фермер хўжаликлирида хўжаликлараро ер тузишнинг хусусиятларида ер тузиш ишлари қандай босқичларни ўз ичига олади?
6. Фермер хўжаликларининг ихтиносликлар бўйича майдонлари қандай бўлади?

## Адабиётлар

- 1. Аvezбаев С , Волков С.Н. Ер тузишни лойихалаш. - Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 786 б.
- 2. Avezbaev S., Volkov S.N. Yer tuzishni loyihalash. - Т.: “Faylasuflar milliy jamiyati”, 2007. – 470 б.
- 3. S.Avezbaev, T.Karabayeva. Yer tuzish. - Т.:TDAU, 2005. – 305 б.
- 4. Землеустроительное проектирование. Под.ред. проф. С.Н.Волкова. - М.: «Колос», 1997. – 608 б.

### • Қўшимча

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид конун ҳужжатлари.Т.: Адолат, 1999.
- 2. www. Ziyo. net
- 2. http:www. guz. Ru